



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Биринчи Президентимиз Бошлаган Буюк Ислохотлар Ғайрат ва Шижоат билан Изчил Давом Эттирилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
виртуал қабулхонасига муаммолари тезда
ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз
миннатдорлик хатлари жўнатмоқда**

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида «Юксак иродали инсонга суяниш мумкин»-лигини таъкидлаган: «Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади».

Бугун Ўзбекистон ҳукумати порталида фаол ишлаётган Бош вазирининг виртуал қабулхонасига (pm.gov.uz) юртдошларимиздан муаммолари, ариза ва шижоатлари тезда ҳал қилинган учун миннатдорлик хатлари, ҳаётий таклифлар келиб тушмоқда. Уларни ўқиркансиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги «Куч — адолатда» шиори барҳаёт ва бардавомлигига, Биринчи Президентимиз таъкидлаган «ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч» ҳикмати нақадар ҳаётий ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласиз.

Янгийўллик Алишер Турсунов шу йил бошида туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ўтказган танловда ғолиб бўлиб, 38 гектар ерда «Бахт Камол Эрки» фермер хўжалигини ташкил этган. Фермернинг айтишича, бу йил ғалла шартномасини 110 фоизга бажариб, нияти ғалланинг пулига кичикроқ бир трактор сотиб олиш эди. Бироқ «Ўздонмахсулот» АК таркибидagi «Ғалла-Алтег» акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 50 миллион сўм пулини бермай, тadbirkорни уч ой сарсон қилган.

— Шу уч ой ичида деярли барча ваколатли ташкилотларнинг «Ишонч телефони»га кўнғул қилдим, фойдаси бўлмади, бу ёқда ерни ҳайдаб берган тракторчилар кунора уйимга келиб пулини қис-тайди, — дейди А.Турсунов. — Бош вазирининг виртуал қабулхонасига мурожаатимдан сўнг уч ойда битмаган ишимни уч кунда ҳал қилиб беришди: кўнғил тоғдай кўтарилиб кетди, тракторчилардан ҳам қарзимни уздим. Бу виртуал қабулхона биз, тadbirkорлар учун суянч тоғи бўлмоқда, бу бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Бош вазирининг виртуал қабулхонаси, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб боришида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмоқда. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан Гулихон Вафоева 6 октябрда жўнатган хатида шундай ёзади: «Хурматли Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини. Сизга уч масала бўйича амалий ёрдам сўраб, ариза ташлагандим: оилавий, қишлоқ шароити ва «Ucell» компаниясида мобил алоқа яхши эмаслиги ҳақида. Мута-садилар келиб, оилавий ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал қилиб беришди. «Ucell» компанияси вакиллари қишлоғимизга антенна ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Қишлоқда яшаётган биздек оддий фуқароларнинг дардига қўлоқ тутиб, масалаларимизни ҳал этиб бераётганингиз мисолида сизнинг Биринчи Президентимиз гоъларига нақадар содиқ эканингизга амин бўлдим».

Яна бир мисол: Бухоро вилояти Олот туманида истиқомат қилувчи Норжон Сафарова яқинда дўкондан икки қоп ун сотиб олади. Айтишича, аввало, пластик картонча орқали савдо қилгани учун унга урни қимматроқ сотишди. Боз устига биринчи нав деб берилган ун анча сифатсиз бўлиб чиқди. Н.Сафарова дўкондор билан келишолмагач, адолат излаб туман солиқ идорасига боради. У ерда аёлга Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-лантириш давлат кўмитасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилишни айтишади. Кўмитанинг худудий бошқармасидан Норжон опани Олот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишади. Бу ерда Н.Сафарова сифатсиз унни лаборатория тек-ширувидан ўтказиб, шу хулоса асосида судга мурожаат этиши керак эди. Икки қоп ун келтирган шунча даҳмаздан боши гангиган аёл «икки қоп унга куйдим-да», деб шалвираб уйига қайтаркан, телеви-дене орқали Бош вазирининг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитиб қолади.

— Дарҳол 10-00 қисқа рақамига мурожаат қилдим, масала тезда ҳал бўлди, — дейди Н.Сафарова. — Ишим-ку битди, лекин ўйлайман-да: одам ҳатто айтишга жиколат бўладиган шундай кичик масалани Бош вазир даражасигача олиб бориш керакми? Шуларни туман дои-расида ҳал қилса бўлмайди? Бунга нима халал беради? Ҳаммага маълум гап: қуйи бўғинлардаги айрим рақобат ҳодимлар қозғоқда гўё ҳамма масалани ҳал қилаверар, бу муаммолар аслида ҳаётда ечил-май ёки ахвол ўзгаришсиз қолаверарди. Энди ҳеч ким бундай қил-лолмайди. Чунки Бош вазирининг виртуал қабулхонаси мамлакатимиз-нинг барча жойидаги асл вазиятни ойнадай кўрсатиб бермоқда.

Фаргона вилояти Марғилон шаҳридаги «Техуспен» МЧЖ Россияга ип-калага махсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзо-лаган. Шу йил 1 октябрда «Агробанк»нинг Марғилон шаҳар филиали ва Фаргона вилояти боғхона бошқармаси уланган ташки савдо опе-рациялари ягона электрон ахборот тизимида юз берган носозлик туфайли экспорт тўхтаб қолади. «6 октябрда Бош вазирининг виртуал қабулхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ва боғхона ҳодимларининг хизматлари туфайли 7 октябрда корхона-миздан 42 минг АҚШ долларлик махсулот экспорти амалга оши-рилди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиб, хорижий ҳамкорлар олдида юзимишни ёруғ қилгани учун Ўзбекистон Бош вазирининг миннатдор-миз», дейилади «Техуспен» МЧЖ директор Уринбосари Авазхон Мўми-новнинг pm.gov.uz манзилига жўнатган хатида.

✎(2).

Халоскор қаҳрамонлар мангу яшайди

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан бунёд этилган
Темурийлар тарихи давлат музейи очилганига 20 йил бўлди

«Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади. Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».



Бу — Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейи очилган кунда, яъни 1996 йил 18 октябрда «Фахрий меҳмонлар китоби»га ёзган тарихий дастхати...

Амир Темур ҳам, Ислоҳ Каримов ҳам тарих саҳнасига чиқиб, нафақат эли-мизни мустамлақачилар истибодидан озод қилди, балки халқимизнинг гурурини тиклаш, дунёда қудратли давлатга асос солиш, тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик ва фаровонлик йўлида курашишдек жуда оғир ва мураккаб вазифани шараф билан адо этди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавий тикланиш ва янгилаш ислохотларини улуғ ажодларимиз, хусусан, Амир Темур бобомизнинг муборак

номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди.

— Мустақилликнинг илк йилларида Ислоҳ Каримов кенг жамоатчиликка, тарихчи олимларга мурожаат этиб, Амир Темур бобомиз номини абадийлаштириш масаласини қўйди, — деб эслади Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси, тарих фанлари номзоди Нозим Ҳабибуллаев. — «Халқимиз Соҳибқирон бобомизнинг буюк бунёдкорликларини англаб, шундан маънавий куч-қувват олса, дунё жамоатчилиги Амир Темурни нафақат энг қудратли давлат асосчиси, балки илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, ўз вақтида Осий ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатган буюк шахс эканини билса, тарихий адолат

қарор топар эди», деди. Президентимиз бу борада уч ғояни таклиф этди: халқаро ҳамжамиятга Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини танитиш, Халқаро Амир Темур жамғармасини тузиш, Соҳибқирон ва темурийлар даврини акс эттирган музей барпо этиш.

Энг катта муаммо — жаҳон жамоатчилигининг фикрини ўзгартириш эди. Собиқ тузум даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига бирёқлама баҳо берилган, бунинг асоратини даволаш осон эмасди. Боз устига, ЮНЕСКО катта саркардаларнинг юбилейини нишон-ламамас эди... Ислоҳ Каримов ортга че-кинмади, ЮНЕСКО раҳбариятига «Амир Темур бошқа саркардалардан фарқи равишда бунёдкор шахс бўлган, қай жойдан бир ғишт олса, ўрнига ўн ғишт қўйдирган, бир дархат кесдирса, ўрни-

га ўн қўчат эктирган, Соҳибқироннинг дунёда тинчлик ўрнатиш, Европани халос этишдаги хизматларини, инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини дунёга исботлаб берамиз», деди.

Даставвал «Амир Темур — жаҳон тарихида» қомусий китоби тайёрланди. Президентимиз китоб қўлёзмасини ўқиб берди. 1996 йили китоб хориж тилларига таржима қилинган, халқаро жамоатчилик ва дунё тарихчиларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. ЮНЕСКО Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди, юртимиз бўйлаб бу улуг ўйга тайёргарлик бошланди.

✎(2).

Истиқлол гулчалари

Болаликнинг боғлари гўзал

Санъат кўнгилларни кўнгилларга боғловчи қудратли куч ҳисобланади. Дарҳақиқат, унинг дилга ором бахш этувчи сеҳрига ошно бўлмаган кишини топиш қийин. Соғлом она ва бола йилига бағишлаб «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилган «Истиқлол гулчалари» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида бу ҳақиқат яна бир бор намоён бўлди.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли «Металлург» маданият саройида кўрик-танловнинг вилоят босқичи кўтаринки рўхта ўтди.

— Бадий ҳаваскорлик ва санъатга жалб этиш орқали фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиш шаклланишига ҳисса қўшиш, маданият муассаса-



ларида фаолият юритаётган болалар бадий жамоаларидаги иқтидорларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу кўрик-танловни ҳар икки йилда ўтказиш

Муносабат

Касаба уюшмаларига бирлашиш — конституциявий ҳуқуқ, умуминсоний қадрият

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини миллий парламентида тасдиқловчи дастлабки йилларидаёқ тасдиқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлган эди.

Жорий йилнинг 19 декабрида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қабул қилинганга 50 йил тўлади. Мамлакатимиз БМТнинг ана шу энг муҳим халқаро шартномалари билан бир қаторда ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) каби нуфузли ташкилотларнинг ҳам бир қанча асосий ҳужжатларини ратификация қилган. Бу жараён изчил давом этмоқда.

✎(4).

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Ҳар қарич ерида ҳикмат, ҳар гўшасида буюк тарих муҳассам кўнча замин биз учун бениҳоят қадрлидир. Бундан ўн беш йил илгари Самарқанд ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида кирган эди. Худудда жойлашган 513 та моддий-маданий мерос объекти бой ўтмишимиздан гувоҳлик бериб турибди.

Дунё жамоатчилигининг нигоҳидаги шаҳар истиқлол йилларида ҳар тарафлама ўзгарди. Гузал ва маҳабатли бинолар, замонавий тураржойлар, боғу хиёбонлар барпо этилди. Шаҳарни ривожлантиришнинг бош режасига мувофиқ мемурий қиёфаси ва тарихий жозибаси сақланган ҳолда улкан қурилишлар амалга оширилди.

ҲАР ГЎШАСИ АЖИБ БЎСТОН...

Маълумот ўрнида айтиш ўринлики, ўтган йиллар мобайнида Беруний, Мирзо Улуғбек, Регистон, Бўстонсарой, Даҳбед, Панжакент каби ўнлаб марказий кўчалар, аэропорт, темир йўл вокзали атрофидаги майдонларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга

оширилди. Мирзо Улуғбек расадхонасидан тортиб Амир Темур мақбарасигача бўлган барча тарихий обидалар — Хўжа Дониёр, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр, Бибиноним, Моғурийий ёдгорликлари, Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Рўхобод мақбараси, Кўксарой майдони, «Йулбарслар» хиёбони ободонлаштирилиб, уларнинг бир-бирига уй-ғуналиги таъминланди. Бу эса нафақат шаҳар аҳолиси, меҳмонлар ва сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда.

✎(4).

Муаззам заминнинг барҳаёт шахри

✎(2).

БУГУННИНГ НАФАСИ

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Қ(1).
 Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмади. Қўла-ми, моҳият-этиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоқал битта масала ечилса ҳам, шу шахсининг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У энди тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш завқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўшишга чоғланади. «Маҳалламизда цемент қоплаш ишлари бажарилаётгани оқибатида зарарли чангдан ён-атрофдаги 40-50 хонадон аҳли, айниқса, фарзандларимизнинг тез-тез аллергия бўлишидан азият чекаётган эдик. Бир йил давомида жавобсиз қолган аризамизни беш кунда ҳал қилиб бергани учун барчамиз Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдоримиз. Экология соҳаси ходимлари келиб, бу муаммага чек қўйишди», дея ҳат йўллаган Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилувчи Музаффар Абдурахмонов. «2014 йилдан бери ҳавлимизнинг кадастр ҳужжатини қиллолмаётган эдим. Виртуал қабулхонага мурожаатимдан бир кун ўтиб, уйимга туман кадастр хизмати ходимлари келиб, ҳовлимизнинг кадастр ҳужжати тайёр эканини айтишди. Бу портал — чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечими акс этадиган кўзга бўлмоқда. Бунга ўз ҳаётимда амин бўлдим», дея миннатдорлик хати йўллаган Тошкент шаҳри Миробод туманида истиқомат қилувчи Саида Содикова.

Чирчиқ шаҳридан Темур Киндус шундай ёзди: «4 октябрда «Узсаноатқурилишбанк» АТБ Чилонзор филиали ходимларининг миллий валютани xorijий валютага конвертация қилиш бўйича берган рад жавоби юзасидан қилган мурожаатим эртаси кунгек ҳал бўлди. Муаммоларга шундай тез суръат билан самарали ечим топишга хизмат қилаётган виртуал қабулхонага раҳмат айтаман». Ёки Навоий шаҳридан Бахтиёр Усеинов ҳам ўз хатида rt.gov.uz манзилга мурожаатдан сўнг «қисқа вақтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 500 АҚШ долларини конвертация қилиб берганини ёзган».

Ихтимой муаммолар ҳақида гап кетар экан, бу борада коммунал соҳа ҳамон энг оғриқли экани барчамизга аён. Эйтиборлиси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига коммунал соҳадаги муаммолар ҳал этилгани боис кўплай миннатдорлик хатлари келмоқда. Хусусан, мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида яшовчи Дилшод Абдувалиев, Миробод туманида истиқомат қилувчи Ойтула Солихова хонадонларига газ таъминотидан нотўғри ҳисобланган катта миқдордаги қарздорлик бекор қилинди. Олмазор туманида яшовчи Марваридхон Ибрагимова «Катта раҳмат, прокуратура ходимлари электр таъминотини тиклашга ёрдам беришди. Ҳар қандай мурожаат ниҳоятда тезкорлик билан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда», деб ёзса, «Бундай тезкорлик ва ҳозир-жавоблик қойилми!» Шикоятимиз дарҳол ўрганилиб, муаммо барҳам топди: ҳовли саҳни тоза, озода, ҳамма ахлат олиб ташланиб, ён-атроф тартибга келтирилди. Барчаси учун катта раҳмат!», дея раҳмат йўллаган чилонзорлик Анастасия Ли.

Турли масалаларда ёрдам ва кўмак сўраб қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида ҳал бўлмоқда. Бухоро тумани «Шергирон» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Ниғинабону Бақоева шу йил 25 сентябрда юборган мурожаати асосида иш билан таъминланди. Фарғона шаҳридан Рўздатжон Аҳмедов «мурожаатимдан сўнг мени Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонасига қақришиб, яқин кунларда иш берилишини айтишди. Ишга киришимдан ҳам кўра, Бош вазиримизнинг биздай оддий фуқароларнинг мурожаатига шундай юксак этиборидан беҳад қувондим», деб ёзди. Хоразм вилояти Урганч туманидан Ойбек Эрназаров ҳам ёрдам сўраб ёзган мурожаати этиборга олингани учун бир умр миннатдор эканини ўз хатида таъкидлаган: «Бугун уйимизга ҳокимиятдан мутасаддилар келиб, синглимни тез орада Тошкентга юбориб, жарроҳлик амалиёти ўтказишда ёрдам беражакларини айтиб кетишди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмаймиз». Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг Тошкент шаҳри Яқасарой туманида яшовчи Шахрибону Ахтамовани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қақриб, санъатда ўз йўлини топшишга ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган хатлар орасида бу ҳайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, миннатдорлик билдирилган тилаклар жуда кўп. Уларни бир жиҳат билан шартлаб туради: Биринчи Президентимиз Ислам Каримов асос солган ва бошлаб берган кенг қамровли ислохотлар катта шиддат ва куч-ғайрат билан изчил давом эттирилаётгани халқимиз руҳини янада кўтаракли, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Термиз шаҳридан Тубанд Нормуродов, Навоий вилояти Кармана туманидан Дилбар Муғинова каби тadbиркорлар Ўзбекистон Президенти ва-

зифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевга шу йил 5 октябрда қабул қилинган «Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармон кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулк ҳимояси, унинг дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, тadbиркорлик ривожидидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилишини айтиб, самимий миннатдорлик изҳор қилган.

Виртуал қабулхонага ёшларимиздан ҳам кўплай хатлар келиб тушмоқда. Чилонзорлик «Камолот» ЕИХ фаоли Дилра Мелдебекова мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги кўп қаватли турар-жойлар барпо этиш борасидаги хайрли ташаббус, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С.Сироҳиддинов номидаги академик лицейи ўқувчиси Тура Тўраев лицейи ёшлари номидан давлатимизнинг навқирон авлод камолотига кўрсатаётган юксак этибори ва ғам-хўрлиги учун миннатдорлик билдирган. Улар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-мактабнинг 5-синфда ўқиётган Эмир-Асан Боқиевнинг Ўзбекистон Бош вазирига ёзган хати эътиборимизни тортиди: «Бугун Сизнинг Сергели туманидаги мактаблардан бирига борганимизни эшитиб, синфдошларим билан шу хатни ёзишга келишдик. Барчамиз Сизнинг мактабимизга келишингизни жуда хоҳлардик. Мен сурат чизишга жуда қизиқман. Сентябрда «Самарқанд» картинасини чиздим. Агар мактабимизга келсангиз, шу суратни Сизга совға қилмоқчи эдим».

Бу миқдорда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолат. Бунда мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Бош вазир даражасида қўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шовиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Бироқ шикоят қилувчи буни ўз вақтида англаб етиб, тан ола — бу ҳам маданият ва маънавий етуқликнинг бир ифодаси. Мазкур виртуал қабулхонага келаётган мурожаатларда ҳам буну кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилояти Қўшқўпри туманидан Ринат Абборов ўз хатида шундай ёзди: «2016 йил 29 сентябрда дадамнинг умумий аҳоли ва уни мунтазам даволаб келган врачлар ҳақида ёзганман. Мурожаатим текширилганда, билдимки, Хоразм вилояти онкология диспансерида ҳақиқатдан ҳам кимёвий препаратлар таъминоти 30-35 фоизни ташкил этар экан. Бу препаратлар диспансерда бор пайтда дадамга тўлиқ берилган, қолган вақти ўзим сотиб олганман. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 191-бўйруғи билан таниш бўлганим сабабли врачлар ҳақида нотўғри фикрга борган эканман. Кимёвий препарат тақсимоти бўйича қонунбузарлик бўлмаганини англадим». Қашқадар вилояти Шаҳрисабз тумани Сувсултон қишлоғидан Лочин Жўраев ҳам виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, «адашиб, нотўғри хабар ёзгани учун» кечирим сўраган: «Ўзим Тошкентда яшайман, қишлоғимда газ таъминоти етарлича йўлга қўйилган экан. Менга келган нотўғри хабарга асосланиб, Сизга илтимоснома ёзгандим. Мурожаатимни кўриб чиққанганингиз учун раҳмат, англашмовчилик учун узр сўрайман».

Маълумки, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этиш вақт талаб қилади. Агар мурожаатларда кўтарилётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келаётган миннатдорлик хатлари, тақдирлар, тилакларни ўқиркансиз, уларнинг барида эзгу ният, эзгу сўз, эртанги кунга мустаҳкам ишонч мустаҳкам эканига амин бўласиз. Шунда беихтиёр Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида айтган буюк давлат онг-қалбимизда жараён сочди: «Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган гоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқиншини илжожи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Уйлайманки, биринчи навбатда ўз кичига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёрқ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадд беради».

Истагимиз — ўз кичига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бой одамларимиз кўпаяверсин. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси бу йўлда уларга маддқордир.

ЎЗА



Отабек МИРСОЛТОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Халоскор қаҳрамонлар мангу яшайди

Қ(1).
 1996 йил 24 апрелда Париж шаҳрида «Те-мурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталиги бошланди. Уша кун Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ЮНЕСКО Ихроия кенгаши сессиясида, ЮНЕСКО қароргоҳида те-мурийлар даврига бағишланган кўргазма очилишида нутқ сўзлади. Юртдошларимиз яхши эслайди: кўргазма бошланишига озгина вақт қолганда, залга қўтилганда Франция Президенти Жак Ширак кириб келган. Ислам Каримов Жак Ширакни экспозиция бўйлаб айлантириб, Амир Те-мурийнинг инсоният цивилизациясига қўшган хиссаси ҳақида завқ билан сўзлаб берган. Унда Жак Ширак «Ислам Каримовдек ўз Ватани тарихини бунчалик муқаммал билладиган, улуг аждодлари номини бундай юксак эъзозлайдиган давлат раҳбари дунёда камдан-кам бўлади», деб қойил қолган. Франция Президенти Ўзбекистон раҳбарига юксак ҳурмат ифодаси сифатида Амир Те-мурийнинг 1402 йили Франция Ки-роли Шарль VI га йўллаган номасини тақдим этган. Бу экспонат бугун Те-мурийлар тарихи давлат музейидаги энг ноёб тарихий ҳужжатлардан ҳисобланади. Айнан мана шу тарихий ҳафталикда Биринчи Президентимизнинг жасорати ва фидойилиги боис дунё аҳли Парижда нима учун XV асрадек Амир Те-мурига ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскори» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар билганини, Сохибқирон хизматлари туфайли Осиё ва Европа тарихида биринчи марта «ягона жуғрофий-еисвий маконда бирлашганини теран англади — жаҳон Амир Те-мури буюк бунёдкор сифатида тан олади».

1996 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Те-мурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Биринчи Президентимиз бу муайн маъморий шакли, тузилиши ҳақида меъморлар, тарихчилар, ижодкорлар ва зиёлилар билан кенгашди. Унда Ислам Каримов бу музей саройи ва тож шаклини ифода этиши, мамлакатимиз архитектура санъатида дурдона асар бўлиши кераклигини айтди. Қурилиш ишлари жадал бошлан-

ди. Президентимиз бу ерга тез-тез келар, музей қурилишидаги ҳар бир деталга қизиқиб, сўраб-суриштираб ва ҳар гал унинг меъморий ечимида ҳал қилувчи фикрларни айтар эди. Шу боис музей жуда қисқа вақтда — саккиз ойда бунёд этилди.
 Ҳа, 1996 йил 18 октябр санаси чиндан ҳам халқимиз тарихида унутилмас байрам бўлган. Уша кун Тошкентда Те-мурийлар тарихи давлат музейи, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Те-мури ҳайкаллари очилган. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Те-мури ордени билан мукофотланган. Барча тadbирда Биринчи Президентимиз қатнашиб, нутқ сўзлаган.
 Еғоч ўймакорлигининг ёрқин намунаси — кўркам эшиклардан музейнинг экспозиция залига киришимиз. Иморатнинг бутун айланаси, ярим очил айвонлари салобатли, Окрангли устул билан безалган. Ташқи деворнинг айлана юзаси сиркор сопол медалонлар билан нақшланган. Уларда араб алифбосидаги сулс хатида Адолат, Итоат, Зарофат, Маърифат, Диёнат, Оқибат, Марҳамат, Қадрият, Садоқат, Муваффақият, Матонат, Муруват, Шижоат, Машварат сўзлари бил-тилган. Амир Те-мури ҳам, Ислам Каримов ҳам ўз фаолиятида миллий ва умумташқи маънавиятнинг ўзағи бўлган бу эзгу тушуналарга сиққилдиган амал қилди, уларнинг ҳаёти-мизда ўз ибодтини топиши учун курашди.

Музейимизда 5 мингдан зиёд экспонатлар бор, — дейди Те-мурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиёев. — Улар орасида милоддан аввалги 2 минг йилликка оид «Сополитела» ва Жарқўтон топи-малари, Далварзентепанинг милодий I асрга оид олтин буюмлари, Афросиёб ва Тошкентдан топилган X-XI асрга оид сопол идишлар, Амир Те-мури ва те-мурийлар даврига оид кўплай ноёб қўлёмалар, расмий ҳужжатлар, қумуш ва мис тангалар, сопол идишлар, мис буюмлар, меъморий қопламалар, қурол-яроғ, чолгу асбоблари, этнографик буюмлар мав-жуд. Сунги уч йилда музейдаги экскурсиялар (сонини 10 миנגдан ортди. Музей сайти (temurid.uz) ўзбек, рус, инглиз тилларида ишлаб турибди. Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда музейнинг тўлиқ виртуал қўриғини яратилди. Унда музей заллари бўйлаб саёҳат ва экспонат-

лар замонавий 3D шаклда намоён бўлади. Музей, Биринчи Президентимиз оруз қилганидек, илмий марказга айланди. Илмий ходимларимиз ҳозиргача ўндан зиёд мавзуларда илмий тadbиротларни амалга оширди. Юбилей албомлари, тўпламлар, монографиялар нашр этилмоқда.

Музейнинг совғалар бўлими. Бу ерда францияликлар берган Те-мури бюсти, Берлин-даги Ислам санъати музейидан келган «Бой-сунгур Мирзонинг 28 миниатюраси» китоби, Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоев совға қилган «Алма-Арасан дараси» китобини, Озарбайжоннинг исломий нақшли ду-хоба гилами каби ўнлаб ноёб тухфаларни кўриш мумкин.

Улар орасида Биринчи Президентимиз совғалари алоҳида қийматга эга: Сохибқирон-нинг от устида ва тахтада ўтирган чинни ҳай-каллари, қўқ биллур ваза, Амир Те-мури ва Мир-зо Улугбек тасвири туширилган чинни лаган, XIX асрга оид мис кўза.

Ноёб экспонатларимиздан — араб тарих-чиси Аҳмад ибн Арабшоҳнинг «Аҳойиб ал-мақдур фи ахбори ат-Таймур» асарини (1436 йил) ҳам Биринчи Президентимиз Ислам Каримов 1998 йил 24 июлда музейга тақдим этган, — дейди музей кичик илмий ходими Дилноза Азизова. — Асар XVII асрда Голландияда «Elsevier» босмахонасида араб тили-да чоп этилган. 1401 йили Амир Те-мури буй-руғи билан дамашқлик олимлар билан Самар-қандга келган 12 ёшли ибн Арабшоҳ 1408 йилгача Самарқандда яшаган. У ўз асариди Амир Те-мури давлати ва унга қарадор мам-лакатлар сийси, ҳўжалик ва маданий турму-ш ҳақида кўплай тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган.

Йиллар, асрлар ўтади. Халқимиз омон экан, мамлакатимиз шон-шавкатини юксал-тири, халқимиз турмушини фаровон этиш, фарзандларимиз камолоти йўлида курашган Амир Те-мури ва Ислам Каримов номлари ёнма-ён тилга олиनावради. Зотан, халқимизнинг тинч, тўқин ва барқарор ҳаёти, ёрғ кел-лажи йўлида фидойилар ва жасорат кўрсат-ган Халоскор қаҳрамонлар номини ҳақли ра-вишда абадиятга дахлдордир.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Хушхабар

Ёш оилаларга шинам уйлар

Бахт шаҳрида 16 оилага мўлжалланган «Камолот» уйи ёш оилаларга топширилди. Қўшқават, ҳар бири икки-уч хонадан иборат уйда ёшлар учун барча шартлар мавжуд. Ўзгача дид ва замонавий архитектура талаблари асосида қурилган хонадонларнинг шинамликдан қўнғиллар айрилади.

— Ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибордан жуда хурсандимиз, — дейди ёш оила бекаси Гулноза Хусанова. — Уч хонали квартирда уй ёлдошим Облоқул Хусанов билан бахтли ҳаёт кечираяпмиз. Уй бекаларига ошхонада турли таомларни эмин-эркин пиширишлари учун етарлича қўлайликлар мўжайёб этилган. Табиий газ, тоза ичимлик суви алоҳида қувурларда тортиб келинган. Хоналар баҳаво. Бизга шундай тўқис ҳаётни инъом этаётган меҳрибон инсонларга минг раҳмат! Бундай эътибор биз ёшларни Ватан раванқи, халқ фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилишга руҳлантиради.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси барча худудларда «Меҳнат муҳофазаси ва саноят ҳавфсизлиги» мавзусида ўқув-амалий семинарлар ўтказмоқда. Навбатдаги анжуман Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкиллаштирилди. Унда касаба уюшма фаоллари, вилоят меҳнат бош бошқармаси, Савдо-саноят палатаси ҳудудий бўлими, «Саноятгеоқтехнозорат» ДИ минтақавий инспекцияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Мақсад — ишловчи муҳофазаси

Эътироф этилганидек, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг вазифаси тубдан ўзгармоқда. Авваллари, улар иш жараёнида юз берган бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш чоғида эсланган бўлса, бугун айни шу бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш, хавф-хатарсиз фаолият кафолатини таъминловчи шахсга айланмоқда. Ушбу ҳуқуқни бевуқини қонун ва қонунчи ҳужжатлари ҳақида семинар давомида тўхталиб ўтилди. Жумладан, «Ходимлар учун муносиб меҳнат шартларини яратиш борасида янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти», «Вилоятдаги хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноят ҳавфсизлигининг аҳамияти», «Ташкилотда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича ишларни ташкил этиш» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, иштирокчилар эътиборига ЎзҚУФК томонидан тайёрланган меҳнатни муҳофазаси қилиш хизматлари, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакил фаолияти ҳақида видеоорлик ҳавола этилди.

— Корхонамизда жамоа шартномасига биноан ходимларга шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларини бепул бериш, меҳнат таътили, зарарли ишда ишловчи ходимларга қўшимча таътил ва пенсияга чиқишда имтиёзлар бериш бўйича келишувлар белгилаб олинган, — деди «Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ мустаҳкамлик ва хавфсизлик техникаси хизмати муҳандиси Муҳаммад-жон Маллабоев ўз маърузасида. — Шу келишувлар асосида жорий йилнинг 9 ойида ходимларга шахсий ҳимоя воситалари, мажус кийимлар ҳамда электр қурилмаларида хавфсиз иш бажариш учун ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Семинарнинг амалий қисми жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйган «Наманган момик сочиқлари» МЧЖда давом эттирилди. Шу жараёнда бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ҳақида меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасидаги намунали жиҳатлар атрофида таҳлил этилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмаларига бирлашиш — конституциявий ҳуқуқ, умуминсоний қадрият

Хусусан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ХМТнинг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилди. Бу Конвенция ХМТнинг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, ходимлар ва иш бевуқиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқларига бағишланган. Бугунги кунда Конвенция ХМТга аъзо бўлган 153 мамлакат томонидан ратификация қилинган.

Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўёбга чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилган. Унда бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўсиқлик қилувчи давлат органлари аралашувидан холи бўлиш, хо-

димлар ва иш бевуқиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тadbирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилган.

Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани муҳим аҳамиятга эга. Чунки амалдаги йиллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ келади. Юртимизда фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган. Конституциянинг 34-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш,

оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Асосий Қонунимизнинг 59-моддасига биноан, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этишлари ва ҳимоя қилдилари. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Бундай кафолатлар, шунингдек, мамлакатимизнинг йигирмадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида айнан ушбу кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ходимлар манфаатларини

14 тармоқ, 14 ҳудудий, 37 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотини бирлаштирган ва ўз сафларида 6 миллиондан ортиқ аъзога эга бўлган Касаба уюшмалари Федерацияси ифодалайди. 2015 йил октябр ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК)нинг ассоциациялашган аъзоси бўлди.

Уз навбатида, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида акс этган ин-

сон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган нормаларига Ўзбекистон содик эканининг яна бир амалий исботидир.

Бу жиддий ҳуқуқий кадам, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конститутив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омили бўлиши таъини. Шу ўринда ис-тиқлот йилларида Ўзбекистон ХМТнинг 14 та Конвенцияси-дан 8 тасини ратификация қилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Албатта, бу каби асосий халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари амалдаги қонун ҳужжатларимизда изчил имплементация қилинмоқда ҳамда янада уйғунлаштирилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминлинишида алоҳида ўрин тутайди.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Муаззам заминнинг баржаёт шаҳри

✎(1).

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан шаҳардаги 25 та кўчада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жорий йил охиригача 33 кўчани таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

Бугунги кунда шаҳардаги Рудакий кўчасида кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилаётган. Вокзал майдонидан то Шохӣ Зинда ёдгорлигигача бўлган худудни бир чизиқча боғлаган кўчанинг умумий узунлиги 4,8 километр, кенглиги 40 метрни ташкил этиши кўзда тутилган.

Режага мувофиқ 2500 квадрат метрни қоплаган майсазор 16 минг квадрат метрга етказилади. Манзарали ва ноёб дарахтлар ўтқизиш билан бирга замонавий бекат ва автомобил сақлаш жойлари, 12 та кўп қаватли турар жой биноси, иккита тиббий диагностика маркази, иккита автосалон ҳамда учта фаввора бунёд этилаётди. Кўчада илгари 14 та савдо ва маиший хизмат шохбосчаси фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда улар сонини 60 тага кўпайтириш режалаштирилган.


— Ушбу кўчада барпо этилаётган бир-биридан маҳобатли иморатлар кўзни қувватлади, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Феруза Хайтова. — Бунёдкорлик ишларига шаҳарнинг барча қисмида дуч келиш мумкин. Қадимий диёр кундан-кунга яшнаб, яшариб бораётди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАУЗИЛМАСИ

Самарқанд ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиши жиҳатидан мамлакатимизнинг етакчи шаҳарларидан бири саналади. Айни чоғда 1069 та саноат корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Илгор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган корхоналар сони эса 134 тага етди. Бугунги кунда «SamAuto», «J MAN Auto-Uzbekistan», «Sino», «Daka tex», «SAG» гиламлари, «8 Март» тикув ишлаб чиқариш корхонаси, лифтсозлик заводларининг маҳсулотлари нафақат ўртимизда, балки хорижда ҳам машҳур.

Таъкидлаш ўринлики, яқин йилларгача шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДХ мамлакатларигагина экспорт қилинган бўлса, эндиликда мамлакатга ўзгача манзара. Бугун Англия, Германия, Австрия, Хитой, Латвия, БАА, Эрон, Туркия, Афғонистон каби ўнлаб давлатларга тайёр маҳсулот сотилаётди.

«SAG» гиламлари қўшма корхонаси бу тур-



Алишер ИСРОИЛОВ (ўса) олган сурат.

даги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона бўлиб, яқин ва олин хориж бозорига Самарқанд гиламлари талаб кундан-кунга ошиб бораётди.

— Миллий маҳсулотимиз ранг-баранглигидан ташқари пишиқ ва чидамлиги билан ҳам ажралиб туради, — дейди меҳнат фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Мазкур корхонада тайёрланган гиламларини ҳар бир хонадонда учратиш мумкин. Энг муҳими, нархи ҳамёнбоп.

Самарқандда автомобил саноати ривожига ҳам залворли одимлар кўзга ташланаётди. «SamAuto» заводидан 30 дан ортиқ кузовларни ўз ичига олган F серияли автоуловлар ишлаб чиқарилмоқда.

КЎККА НУР СОЧГАН ЖИЛОЛАР

Самарқанд тарихида фаввораларнинг ўзига хос ўрни бор. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Соҳибқирон Амир Темурнинг Дилқушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротини қўйдагича баён этган: «Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...»

Кўча диёрда истиқлол йилларида ҳам Президентимиз кўрсатмалари асосида кўзни қувватиб, дилга роҳат бағишлайдиган фавворалар қурилди. Бугунги кунда бундай фавворалар 43 тага етган бўлса-да, мазкур йўналишдаги бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

Шаҳарнинг Университет боғи, Амир Темур хиёбони ва Кўксарой майдони, Регистон ва Даҳбед кўчалари чорраҳаси, Темирийўл майдонида нури, муқошаси фавворалар қурилди. Шаҳарга хусн, кўркамлик бағишлайдиган фаввораларнинг 5 таси нури-муқошаси, 33 таси нури ва 5 таси оддийдир. Эътиборли жиҳати, мазкур фавворалар маҳаллий бунёдкорлар томонидан лойиҳалаштириб, қурилмоқда. Ёш истеъдод соҳиби Акмал Соатов бу борада жиддий изланишлар олиб бораётди. Унинг фантазияси асосида нафақат Самарқандда, балки Нурабод, Жомбой, Пайриқ, Ургут ва Иштихон туманлари, Қарши ва Гулистон шаҳарларида ҳам фавворалар бунёд этилди.

— Анча йил илгари Самарқандда бўлган-дим, — дейди Қозоғистон Республикаси фуқароси Жалғос Тулвов. — Нураб, мунгайиб

қолган мадраса-ю миноралар тасаввуримга ўрнашган экан. Ҳозир бошқача манзарани кўриб турибман. Мамлакатимиз истиколидан сўнг бу муаззам шаҳар бутунлай янги аниқ кўрinishга эришди. Менга қадимий шаҳар том маънода қайта туғилгандек туюлди.

Дунёда Самарқандни бир кўриш орзусида бўлганлар оз эмас. Шу боис ҳам бу заминга ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ошиб бораётди. Кейинги йилларда туризм янада ривож топди. Замонавий меҳмонхоналар қад ростлади. Кейинги уч йилда шаҳарда 27 та меҳмонхона қурилиб, 22 та сайёҳлик ташкилоти иш бошлади. Айни чоғда 102 та меҳмонхона мавжуд. Сайёҳларга малакали хизмат кўрсатиб келаётган ташкилотлар эса 82 тага етди. Истиклолимизнинг чорак асрлик тантаналари нишонланган йилда ҳам бу борадаги сайёҳаракатлар давом этмоқда. Йил охиригача 7 меҳмонхона қурилиб, юзга яқин киши иш билан таъминланади.

ГУЛ ПОЯНДОЗ ЙЎЛЛАРИГА

Самарқанддаги истироҳат боғларини реконструкция қилишга 2004 йилда киришилди. Натижада, 12,5 гектарлик марказий истироҳат боғи бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Боғдаги кўккаламзор худуд кенгайтирилиб, 1500 тулдан ортиқ ноёб дарахт турлари ўтказилди. «Сўғдийна», «Ёшлик» маданияти ва истироҳат боғларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар аҳли ва меҳмонларнинг сеvimли дам олиш масканларига айлантирилди.

Кўча ва хиёбонларда кўккаламзорлашган майдонларни кўпайтириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди. Мутахассисларнинг эътирофи эътибор, шаҳарнинг яшил худуди ҳозирги кунда 35-40 минг квадрат метрга кенгайган. 250 дан ортиқ янги гулхоналар ташкил этилган. Кейинги йилларда шаҳар худудида юз минг тулдан зиёд каштан, Қрим қарағайи, лола дарахти, япон сафораси, шарқ арчаси, оқ қайин сингари дарахт кўчатлари ўтказилди. Бутасимон гуллар 12 минг тулдан ошди. Бу эса иқлим муътадиллиги, ҳавонинг мусоффолигига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кўча ва ҳаммаша навқирон Самарқанд мустақил Ватанимизнинг мунаввар манзилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

✎ Диққат, танлов!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 2016 йилнинг 10 ноябргача Республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашир аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нуسخаси бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида) қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловга» дегад қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2016 йил 10 ноябрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: **Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mfm.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.**

Ташкилий кўмита

✎ Истиқлол гунчалари

Болаликнинг боғлари гўзал



✎(1).

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида истиқлол фарзандлари томонидан Ватан, озодлик, бахтиёр болаликни тараннум қилувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

— Истиқлол гунчалари — кўрик-танлови санъат байрамига айлана кетди, — дейди шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Улуғбек Иброҳимов. — У

шаҳримизнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган маданият муассасаларининг болалар бандий жамоалари иштирокчиларини жамлади. Кўрик-танловнинг куйи босқичида жойлардаги 30 га яқин маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бандий жамоалари иштирок этиди. 1500 нафардан ортиқ санъатсевар болалар аънанавий ижрочилик, эстрада кўшиқчилиги, яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқна ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишларида ўз дастурлари билан қатнашдилар.

Танлов натижаларига кўра, аънанавий ижрочилик бўйича Учкўприк тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази тарбияланувчиси Лайло Адхамова, эстрада кўшиқчилиги йўналишида Кўқон шаҳар 1-маданият уйи тарбияланувчиси Озодбек Турсунов, яқна ва жамоа чолғу ижрочилиги бўйича Учкўприк тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази тарбияланувчиси Жаҳонгир Бозоров, яқна ва жамоа рақси ижрочилиги йўналишида Эса Бувайда тумани маданият уйи тарбияла-

лишларида истеъдодларини намояндалар.

Яқкасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабидан ўтказилган танловнинг шаҳар босқичида 198 нафардан ортиқ ёш истеъдодлар қатнашди. Ҳар бир чикши нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Ғолиблар Сирдарё вилоятида бўлиб ўтадиган республика миштакавий босқичига йўлланма олди. Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар иштирокида Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари учун гала концерт уюштирилди.

Эртангун эгалари бўлган ёш авлод қалбидан ватанпарварлик, миллий гурур ва ифтихор туйғулларини уйғотишда мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти беқиёс, — дейди бирлашма маданият-маърифий ва спорт ишлари бўлими матбуот котиби Розия Нусратова. — 2014 йилда ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар 340 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил икки баробарга кўпайди.

Танловнинг Наманган вилоят босқичи иштирокчиларини кузатар эканмиз, уларнинг шижоат-ла қақнаган кўзаларига, устозлардан ўрганганларини ишонч билан сахнада намойиш этишига бехиётёр мутаассир бўлдик. Санъатга ошуфталик билан болалигини, қолаверса, бутун умрини беэаётган болажонлардан 62 нафари тўрт йўналишда ўз маҳоратини кўрсатди. Ҳар бир мусиқа асбобиини ҳеч бир мулоғасиз «сайратаётган», ҳаракатлари ўзига ярашиб ҳиром этаётган, овози киши кўнглига завъ улашаётган

нувчиси Василя Мухаммеджанова ғолиб деб топилди.

Танловнинг Бухоро вилоят босқичида болажонларнинг ноёб истеъдод қирралари намоян бўлди. 110 нафар бола иқтидорини намойиш этиб, томошабинлар олқишига мушарраф бўлди Аънанавий ижрочилик йўналишида Қорақўл туманидаги 46-мактаб ўқувчиси Дийёрбек Раҳмонов, ансамбл чолғу ижрочилиги бўйича Бухоро шаҳар аҳоли ва дам олиш марказида ташкил этилган «Зарб» доирачилар жамоаси, рақс ижрочилиги йўналишида «Бухорча» рақс жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

— Эртангун эгалари бўлган ёш авлод қалбидан ватанпарварлик, миллий гурур ва ифтихор туйғулларини уйғотишда мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти беқиёс, — дейди бирлашма маданият-маърифий ва спорт ишлари бўлими матбуот котиби Розия Нусратова. — 2014 йилда ўтказилган кўрик-танловда иштирокчилар 340 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил икки баробарга кўпайди.

Танловнинг Наманган вилоят босқичи иштирокчиларини кузатар эканмиз, уларнинг шижоат-ла қақнаган кўзаларига, устозлардан ўрганганларини ишонч билан сахнада намойиш этишига бехиётёр мутаассир бўлдик. Санъатга ошуфталик билан болалигини, қолаверса, бутун умрини беэаётган болажонлардан 62 нафари тўрт йўналишда ўз маҳоратини кўрсатди. Ҳар бир мусиқа асбобиини ҳеч бир мулоғасиз «сайратаётган», ҳаракатлари ўзига ярашиб ҳиром этаётган, овози киши кўнглига завъ улашаётган



жажжиларга давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор, билан ва иқтидорини ошириш учун йўналтираётган маблағ бесама қетмаётганлигига амин бўлдик.

Ҳар бир чикши нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳолаб борилди. Натижаларга кўра, Жавохир Боймирзаев аънанавий ижрочилик, Сардорбек Мирзаабдуллаев эстрада кўшиқчилиги, Муштарий Фахриддинова яқна ва жамоа рақси ижрочилиги ҳамда Чуст созандалар ансамбли яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишларида биринчиликни қўлга киритди.

Иштирокчилардан бири куйлаганидек, «Болаликнинг боғлари гўзал». Дарҳақиқат, унда очилган гуллар фақат бахдан сўйлайди. Бу каби танловлар ва ундаги иштирок эса бир умрга гўзал эсдалик бўлиб қолади.

Касба уюшмаларининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган ғолиблар республика босқичида ўз худудлари шарафини ҳимоя қилишади.

Ўз мухбирларимиз

МУАССИС:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUHBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Toshev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhili: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abduljalilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:40
Topshirildi — 23:40

1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.
Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hojmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 1015. 13619 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxrirovat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIS «Inoteka bank» Yashobod filiali, Bank kod: 00959, CTIP: 201133889, OKONX: 87100